



2021 йил "27" февраль № 87-04-177

**Республика олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сизга Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2021 йил 21 январдаги 9-сон баёнига (01-07/1-1400-сон, 21.01.2021й.) мувофиқ куйидаги топшириқлар берилганлигини маълум қилади:

9-бандида, Коронавирус пандемияси сабабли республика аҳолисининг тўлов қобилияти пасайганлигини инобатга олиб, олий ва профессионал таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилган ва тахсил олаётган талабалар ва ўқувчиларнинг ўқиши билан боғлиқ тўлов-контракт маблағлари миқдори 2020/2021 ўқув йилида ўзгармаслиги (оширилмаслиги) белгилаб қўйилсин;

10-бандида, кўпчилик абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари мурожаатларини инобатга олиб, олий таълим муассасалари бакалавриятига талабаликка тавсия этилиб, белгиланган тўлов-контракт маблағларини қисман тўлаган, магистратурага тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентлар, ўқиши кўчирилган (кўчириб тикланган) ва қайта тикланган талабалар ўқиши учун тўлов ҳақини камида 50 фоизини ҳамда юқоридаги баён қарори билан тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентлар ўқиши учун тўлов ҳақини ўтказиш ва талабалар сафига қабул қилишни расмийлаштиришнинг сўнгги муддати **2021 йилнинг 1 феввали** этиб белгилансин.

Шу билан бир қаторда, Сиздан Давлат комиссияси баёнида белгиланган, юқорида келтирилган топшириқлар ижросини муддатида ва сифатли таъминланишини шахсан назоратга олишингизни ҳамда талабалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ишларини олиб борилишини ташкил этишингизни сўраймиз.

Вазир ўринбосари



С. Бузрукхонов